

Journal of New Century Innovations

VOLUME

7

ISSUE-5



Journal of new
century innovations

Exact and natural sciences

Pedagogical
sciences

Social sciences
and humanities

Engineering and
Medical Sciences

AREAS



Google
Scholar



WSRjournal.com



**JOURNAL OF NEW CENTURY
INNOVATIONS
IN ALL AREAS**



ЎСПИРИНЛАРДАГИ НИЗОЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ

Мамаюсупова Ирода Хамидовна

ҚДПИ тадқиқотчиси, +99890 140-42-47

irodamamayusupova7777@gmail.com , nazirova-86@inbox.ru

Аннотация

Ушбу мақолада ўспиринлардаги низоларнинг психологик мезонларига таъриф берганимизда биз томонлар ўртасидаги манфаатлар, эҳтиёжлар ва қарашлардаги қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради ва шу қарама-қаршиликлар асосида низолар пайдо бўлади. Бироқ шу ўринда ўспиринлардаги айнан қандай қарама-қаршиликларни низо деб аташ мумкинлиги масаласи долзарб ҳисобланади. Бу эса ўз ўрнида табиийки уларнинг психологик мезонлари масаласига бориб тақалади.

Аннотация

В данной статье, когда мы описываем психологические критерии конфликтности у подростков, мы видим конфликты интересов, потребностей и взглядов между сторонами, и на почве этих конфликтов возникают конфликты. Однако вопрос о том, что именно можно назвать конфликтностью у подростков, является актуальным. Это, в свою очередь, естественно вытекает из вопроса об их психологических критериях.

Annotation

In this article, when we describe the psychological criteria for conflict in adolescents, we see conflicts of interests, needs and views between the parties, and conflicts arise on the basis of these conflicts. However, the question of what exactly can be called conflict in adolescents is relevant. This, in turn, follows naturally from the question of their psychological criteria.

Ўспиринлар ўртасидаги низоларда уларнинг ички зиддиятлари, мазкур ёш даврига хос бўлган ва болаликдан етукликка нисбатан ўтиш даврига мос келадиган индивидуал-психологик хусусиятларнинг ҳам ўрни мавжуддир. Бу

низо ўспирин билан ота-она ўртасидаги низоларни ҳам назардан қочирмаслик даркор.

Низоларга таъриф берганимизда биз уларнинг зиддий томонларига алоҳида эътиборимизни қаратган эдик, яъни томонлар ўртасидаги манфаатлар, эҳтиёжлар ва қарашлардаги қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради ва шу қарама-қаршиликлар асосида низолар пайдо бўлади. Бироқ шу ўринда ўспиринлардаги айнан қандай қарама-қаршиликларни низо деб аташ мумкинлиги масаласи долзарб ҳисобланади. Бу эса ўз ўрнида табиийки уларнинг психологик мезонлари масаласига бориб тақалади.

Биз қуйида ўспиринлардаги низоларнинг психологик мезонларига тўхталиб ўтамиз. Олимларнинг фикрича, бу муаммони ҳал этишда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш зарур:

1) томонларнинг ўзаро боғлиқлиги, яъни икки томон ҳам бир-бирига боғлиқ, бир одамнинг фаоллиги иккинчи одам ҳаракатини таъминлайди, бу ҳаракатлар эса биринчи субъектнинг жавоб реакцияларини чақиради ва ҳ.к. Ўспиринлардаги фаоллик низоли вазиятларда янада ошиши кузатилади. Айниқса, низони қабул қилиш, ўз тарафдорларини қидириш ва қарши хужумга ўтиш вақтида бу яққол намоён бўлади. “Низода мен эмас, ўзга одам айбдор”, “Мен ҳақман, ўзга одам эса – ноҳақ, у ёмон”, ва ҳар бир одам ўзининг ҳақлигини исботлаш учун ўз атрофига иттифоқдош йиғади. Низонинг кенгайиши шундай содир бўлади.

2) шундай қилиб томонларнинг ўзаро таъсирлашуви жараёнларининг барчаси ҳам низо бўлавермайди. Турли рақобатлашув, мусобақа характеридаги фаолликларни низолар билан адаштирмаслик лозим. Ўспиринларда низоли вазиятларда қарши кураш кучи пайдо бўлади, низолардан қочиш, уларнинг назоратига интилиш кузатилади, бироқ алоқанинг қатъий, олдиндан белгилаб қўйилган қоидалари мавжуд бўлса (масалан, боксчилар жанги), бу низо эмас.

3) ўспиринлар ўртасида низоли вазиятни чуқур англаш, зиддиятни тушуниш, уларни бевосита ўзларининг мақсадларига халақит берувчи тўсиқ

сифатида кўришлари, қарши томонни ўзларига душманлик ҳаракатларини амалга оширишни кўзлаган томон деб баҳолайдилар;

4) хатти-ҳаракатлар стратегиясини танлаш: келишувчанликни ёки икки томон учун ҳам маъқул бўлган қарорни излаш, ёки низони эскалация қилиш, курашни янада кучайтириш, масалан, шахслараро низони гуруҳлараро низога айлантириш ёки куч ишлатиш ва зўрлик ҳаракатларига ўтиш. Бу низоларни кучайтирувчи омил бўлиши билан бирга, баъзида ечимга олиб борувчи ҳаракат ҳам бўлиши мумкин. яъни томонларга бошқа бир шахснинг таъсирида низога ечим топилиши, ярашиш эҳтимоли ҳам юзага келади. Лекин бу ҳол камдан-кам кузатилади. Одатда, низоларга бошқаларнинг аралашуви деструктив бўлади.

Ўспиринлар ўртасидаги низода айбдорлар ҳам, ҳақлар ҳам йўқ, ҳар ким ўз мақсадларига етишни истайди. Ўспиринлардаги гуруҳий низони ўзаро таъсирлашувнинг шундай тури деб қабул қилиниши керакки, бунда натижа низонинг барча қатнашчиларига таалуқли бўлади, ҳар бир одам низога ўз ҳиссасини қўшади.

Ўспиринларда низоли вазиятларнинг психологик мезонлари қуйидаги тамойиллар асосида кўрсатилади:

- низони аввалдан олдини олишга бўлган имконият;
- низо ҳолатида вазиятдан чиқишга бўлган имконият;
- низо оқибатларини юмшатишга бўлган имконият;
- низони қайта такрорланмаслигини таъминлашга бўлган имконият.

Мазкур имконият даражалари қанчалик юқори бўлиши ўспиринларда низоларни бошқариш кўникмаларининг юқори эканлигини билдиради.

Низони аввалдан олдини олиш имконияти – ўспиринда ҳаётий мақсадлар ва уларга эришиш стратегияларини қай даражада ривожланганлигига боғлиқ бўлиб, атрофдагилар билан муносабатларни тўғри ташкил этиш интилиш, билим олиш, яхши касбни эгаллашга бўлган рағбатни оширишга хизмат қиладиган ва бу борадаги тўсиқларни енгиб ўтишга қаратилган оригинал икр ва ҳаракатларни жамланмаси ҳисобланади.

Ўспирин атрофдагиларни низога сабабчи сифатида эмас, ҳамкор, ёрдамчи ва тўғри йўл кўрсатувчи маслаҳатчилар тимсолида кўради. Низолар рўй бермасидан аввал ўспиринда тайёр ечимлар ва кўникмалар шаклланган бўлади. Ўзини назорат қилиш ва низоларни бартараф этишдаги имконият низоларни юзага келиши ва чуқурлашишига йўл қўймайди.

Низо ҳолатида вазиятдан чиқишга бўлган имконият – низо рўй бериб, вазият зиддиятларга боғланган ҳолларда ечимнинг оптимал вариантларини қидириш, қарши томонни тинглай олиш, фикр алмашишга бўлган мойиллик даражасига боғлиқ бўлиб, низоларни тезда бартараф этишни самарали йўллари топа олиш имкониятини билдиради. Томонлар низоли вазиятдан чиқишнинг энг қулай ва икки томон учун ҳам кам зарар келтирадиган йўллари топишлари мумкин бўлади.

Низоларни тезкорлик билан бартараф этиш ўспириндаги хулқий компонентлар, тарбиянинг йўналганлиги ва вояга етаётган муҳити сифатида боғланган бўлади. Шунингдек, ўспириннинг темперамент хусусиятлари, низонинг мураккаблик даражаси ҳамда низо юз берган муҳитнинг ўзига ҳослиги ҳам аҳамиятли бўлади.

Низо оқибатларини юмшатишга бўлган имконият – низо юз берган ва ўз ечимини топган бўлса ҳам, унинг оқибатлари, шахсларга таъсири йўқолмаган бўлиши мумкин. Бу таъсирларни камайтириш ва зарарни минималлаштиришга бўлган имконият ўспиринлардаги низо оқибатини юмшатишдаги ҳаракатларда намоён бўлади. Низолашган томонлар ўртасида келгусидаги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, бошқа мавзуларда низоларга бормасликка ҳаракат қилиш шулар жумласидан. Шунингдек, ўспиринларда мулоқот кўникмалари, интровертлик хусусиятларнинг тарбияланиши муросасозлик ва келишувчанлик ҳислатлари орқали низолардан қочиш кўникмаларини ҳосил қилади.

Низоларни такрорланмаслигига бўлган имконият – ўспиринда маълум бир низони бартараф этиш ҳамда келишувга (ечимга) олиб борувчи фаолиятни тўғри ташкил этиш ва амалга ошириш натижасида ҳудди шу низони такрорланмаслиги учун бўлган фаол ҳаракатларинатижасидир. Низоларни

такрорланиши мазкур низо оқибатларини чуқурлашиши ва янада авж олишига имкон яратади. Ҳар қандай низо ҳам ўзининг оқибатларини такрорланиши хавфи билан бошқа низоларнинг конфликтик характерини белгилайди. Ўспиринлар ўртасидаги низоларнинг ижтимоий психологик мезони ҳам низоли вазиятларни қайта такрорланмаслигини таъминлаш ҳамда асоратларини юмшатишдан иборат бўлган ҳаракатлар орқали аниқланади¹.

Биз низоларни ўрганиш жараёнида қуйидаги тамойилларни асос қилиб олдик ҳамда мазкур тамойилларга кўра низоли вазиятлар ва ўспирин шахсидаги таъсирлашувни кўриб чиқдик:

- низоларни такрорланувчанлиги;
- низоларнинг яшовчанлиги;
- низоларда томонларнинг сони;
- низо иштирокчилари сони;
- низоларни кутилган ёки кутилмаганлиги;
- томонларнинг ёш хусусиятлари (*ўспирин ≤ қарши томон ёки ўспирин ≥ қарши томон*);
- низолашувчи томонларда келишувчанлик даражаси.

Низоли вазиятда объектив ҳолат юзага чиқади ва у келажакда қарама-қарши туриши мумкин бўлган томонларнинг ҳохиши ва иродаларидан ташқарида пайдо бўлади (меҳнат жамоасида штатларнинг қисқариши), ёки бўлмаса томонлардан бирортасининг айби билан ҳам юзага келиши мумкин. Бироқ ҳар бир вазият ҳақиқий воқеалар билан чақирилади ва унинг субъектив аҳамияти ҳар бир томон бу воқеаларни қандай тушунишларига боғлиқ ва шунга мос ҳолда вазият ҳам ўзгаради, ривожланади. Бу вазиятнинг бош белгиси низо предметининг пайдо бўлишидир.

Низолар муҳимлиги ва бартараф этилиш услубига кўра конструктив ва деструктив кўринишларга ҳам эга бўлади.

Конструктив низолар учун ўспиринларнинг муҳим ҳаётий масалалари, принципиал томонларини ўзида мужассамлаштирган қарама-қаршилиқ

¹ Тренев, Н.Н. Управление конфликтами: учеб.-практич. пособие для вузов / Н.Н. Тренев. — М.: Приор, 1999.

натижасида пайдо бўлиши характерлидир. Бундай низонинг ҳал этилиши ўспиринни тараққиётнинг янги босқичига кўтаради, томонлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш кайфиятини яратади.

Деструктив низолар негатив характерга эга бўлиб, уларнинг натижасида томонлар ўртасида азалий душманлик кайфияти уйғонади. Бу ҳолат ишлаб чиқаришни, ўспиринлар ўртасида эса таълим жараёнини самарасиз қилиб қўяди.

4. Ҳар қандай низо ҳам ўзининг умумий содир бўлиш босқичларига эга бўлади.

а) қарама-қарши манфаатларнинг, қадриятларнинг, нормаларнинг потенциал даражада шаклланиши;

б) потенциал низонинг реал низога ўтиши, яъни низо томонларининг ўз манфаатларининг англаниши;

д) низоли хатти-ҳаракатлар;

э) низонинг бартараф этилиши;

ф) конструктив ёки деструктив характерга эга бўлган низодан кейинги вазият.

Хулоса қилиб айтганда, низо қарама-қаршилиқларнинг ҳаддан ошиқ кучайган шакли, бироқ шу билан биргаликда қарама-қаршилиқларнинг аниқланиши ва ҳал бўлиши усули бўлиб хизмат қилади. Шу маънода савол туғилади: низога нима сабаб бўлади, унинг ривожланишининг қандай босқичлари мавжуд? Бунга қуйидагича жавоб бериш мумкин: низони қарама-қарши томонлар юзага келтирадиган объектив ҳаётий вазият келтириб чиқаради ва бу томонларнинг ўзи маълум қизиқишлар, эҳтиёжлар, мақсадларга эга бўлади. Табиийки, ўспиринлар ўртасидаги низоларда ҳам бир томоннинг иккинчи томондан қандайдир эҳтиёжларнинг тан олинмаслиги зиддиятнинг ижтимоий-психологик асосини ташкил қилади. Бунинг ўзи қарама-қаршилиқларнинг тузилишидир ва у низога ўтмаган низоли вазиятни келтириб чиқаради. Шундай қилиб, низоли вазият – бу инсоний эҳтиёжларнинг ва қизиқишларнинг шунақанги мажмуасики, бунда турли ижтимоий субъектлар орасидаги реал кураш учун замин яратилади.

Умуман айтганда, ўспиринлар ўртасидаги низолар мураккаб психологик структурага эга бўлган жараён ҳисобланиб, уларни ҳар томонлама, турли хил фан соҳалари нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш давр талаби ҳисобланади. ўспиринлар ўртасидаги низоларда уларнинг ички зиддиятлари, мазкур ёш даврига хос бўлган ва болалиқдан етукликка нисбатан ўтиш даврига мос келадиган индивидуал-психологик хусусиятларнинг ҳам ўрни мавжуддир. Бу низо ўспирин билан ота-она ўртасидаги низоларни ҳам назардан қочирмаслик даркор.

Фойланган адабиётлар рўйхати

1. Abduraxmonova Z. E., Nuraliyeva D. M. Formation of the concept of intelligence in foreign psychology // *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – С. 852-857.
2. Abduraxmonova, Z. E., and D. M. Nuraliyeva. "Formation of the concept of intelligence in foreign psychology." *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal* 11.3 (2021): 852-857.
3. Abduraxmonova, Z. E., & Nuraliyeva, D. M. (2021). Formation of the concept of intelligence in foreign psychology. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 852-857.
4. Nuraliyeva D. M. THE PROBLEMS OF DEVELOPING SOCIAL PSYCHOLOGICAL MECHANISMS IN THE FAMILY // *Theoretical & Applied Science*. – 2020. – №. 1. – С. 711-713.
5. Nuraliyeva, Durдона Мамурҗоновна. "THE PROBLEMS OF DEVELOPING SOCIAL PSYCHOLOGICAL MECHANISMS IN THE FAMILY." *Theoretical & Applied Science* 1 (2020): 711-713.
6. Nuraliyeva, D. M. (2020). THE PROBLEMS OF DEVELOPING SOCIAL PSYCHOLOGICAL MECHANISMS IN THE FAMILY. *Theoretical & Applied Science*, (1), 711-713.
7. Ma'murjonovna N. D. Emperical analysis of the family responsibilities for psychological services in Uzbekistan // *Journal of Critical Reviews*. – 2020. – Т. 7. – №. 3. – С. 278-282.
8. Ma'murjonovna, N. D. "Emperical analysis of the family responsibilities for psychological services in Uzbekistan." *Journal of Critical Reviews* 7.3 (2020): 278-282.
9. Ma'murjonovna, N. D. (2020). Emperical analysis of the family responsibilities for psychological services in Uzbekistan. *Journal of Critical Reviews*, 7(3), 278-282.
10. Nuraliyeva D. M. STUDYING SUSCEPTIBILITY TO THE BEHAVOIR OF THE PAIR IN THE RELATIONSHIP BETWEEN MAN AND WOMAN AND GIVING A SOCIAL-PSYCOLOGICAL HELP // *Теория и практика современной науки*. – 2018. – №. 5. – С. 32-34.
11. Nuraliyeva, D. M. "STUDYING SUSCEPTIBILITY TO THE BEHAVOIR OF THE PAIR IN THE RELATIONSHIP BETWEEN MAN AND WOMAN AND GIVING A

- SOCIAL-PSYCHOLOGICAL HELP." *Теория и практика современной науки* 5 (2018): 32-34.
12. Nuraliyeva, D. M. (2018). STUDYING SUSCEPTIBILITY TO THE BEHAVIOIR OF THE PAIR IN THE RELATIONSHIP BETWEEN MAN AND WOMAN AND GIVING A SOCIAL-PSYCHOLOGICAL HELP. *Теория и практика современной науки*, (5), 32-34.
 13. Mamurjonovna N. D., Abdukarimova M. R. ON THE PSYCHOLOGICAL CRITERIA AND ORIGINAL FACTORS OF DISPUTES BETWEEN YOUNG PEOPLE //Archive of Conferences. – 2021. – С. 50-55.
 14. Dildora N., Social A. K. psychological characteristics of families on the verge of divorce 2021 //Special Issue on Engineering Technologies and Management C-3889-3897.
 15. Dildora, Nuraliyeva, and Abdusamatov Khasanboy Social. "psychological characteristics of families on the verge of divorce 2021." *Special Issue on Engineering Technologies and Management C-3889-3897*.
 16. Dildora, N., & Social, A. K. psychological characteristics of families on the verge of divorce 2021. *Special Issue on Engineering Technologies and Management C-3889-3897*.
 17. Mamurjonovna N. D. The concept of psychological service and its controversial issues in family //Archive of Conferences. – 2020. – Т. 2. – №. 2. – С. 34-36.
 18. Mamurjonovna, Nuraliyeva Dildora. "The concept of psychological service and its controversial issues in family." *Archive of Conferences*. Vol. 2. No. 2. 2020.
 19. Mamurjonovna, N. D. (2020, June). The concept of psychological service and its controversial issues in family. In *Archive of Conferences* (Vol. 2, No. 2, pp. 34-36).
 20. Nuraliyeva D. M. Examining the orientation of women in the field of psychosocial service for the family and the empirical analysis of psychological qualities //International scientific and practical conference Cutting Edge-science Primedia E-launch page115-116. USA Conference Proceedings. – 2020. – Т. 6.
 21. Nuraliyeva, D. M. "Examining the orientation of women in the field of psychosocial service for the family and the empirical analysis of psychological qualities." *International scientific and practical conference Cutting Edge-science Primedia E-launch page115-116. USA Conference Proceedings*. Vol. 6. 2020.
 22. Nuraliyeva, D. M. (2020). Examining the orientation of women in the field of psychosocial service for the family and the empirical analysis of psychological qualities. In *International scientific and practical conference Cutting Edge-science Primedia E-launch page115-116. USA Conference Proceedings* (Vol. 6).
 23. Nuraliyeva D. M. Development of socio-psychological mechanisms of psychological services to families and children. – 2019.
 24. Nuralieva D. M. THE CONCEPT OF PSYCHOLOGICAL ASSISTANCE TO THE FAMILY //Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества. – 2020. – С. 405-410.
 25. Nuralieva, D. M. "THE CONCEPT OF PSYCHOLOGICAL ASSISTANCE TO THE FAMILY." *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества*. 2020.
 26. Nuralieva D. M. CHARACTERISTICS OF MARRIAGE RELATIONS IN PROVIDING PSYCHOLOGICAL AID TO THE FAMILY AND IT INFLUENCE ON THE STRENGTH OF MARRIAGE //Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества. – 2020. – С. 411-414.

27. Nuralieva, D. M. "CHARACTERISTICS OF MARRIAGE RELATIONS IN PROVIDING PSYCHOLOGICAL AID TO THE FAMILY AND IT INFLUENCE ON THE STRENGTH OF MARRIAGE." *Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества*. 2020.
28. Nuraliyeva D. M., Abduraxmonova Z. E. THE ROLE OF SPIRITUALITY IN SOCIETY AND HUMAN LIFE //Теория и практика современной науки. – 2021. – №. 5. – С. 14-17.
29. Nuraliyeva, D. M., and Z. E. Abduraxmonova. "THE ROLE OF SPIRITUALITY IN SOCIETY AND HUMAN LIFE." *Теория и практика современной науки* 5 (2021): 14-17.
30. Nuralieva Dildora Mamurjonovna, & Karimov Nurislom Ulug'bek o'gli. (2021). A STUDY OF THE SOCIAL PERCEPTIONS OF CHILDREN OF HAPPY AND CONFLICTED FAMILIES ABOUT THE FUTURE. *Conference Zone*, 9–11. Retrieved from <http://www.conferencezone.org/index.php/cz/article/view/102>
31. Mamurjonovna N. D., Nurislom Ulug'bek o'gli K. A STUDY OF THE SOCIAL PERCEPTIONS OF CHILDREN OF HAPPY AND CONFLICTED FAMILIES ABOUT THE FUTURE //Conference Zone. – 2022. – С. 9-11.
32. Mamurjonovna, Nuralieva Dildora, and Karimov Nurislom Ulug'bek o'gli. "A STUDY OF THE SOCIAL PERCEPTIONS OF CHILDREN OF HAPPY AND CONFLICTED FAMILIES ABOUT THE FUTURE." *Conference Zone*. 2022.
33. Mamurjonovna, Nuraliyeva Dildora, and M. R. Abdukarimova. "ON THE PSYCHOLOGICAL CRITERIA AND ORIGINAL FACTORS OF DISPUTES BETWEEN YOUNG PEOPLE." *Archive of Conferences*. 2021.
34. Хамидовна М. И., Худайберганаов О. ПСИХОЛОГИЯ ПОДРОСТКОВЫХ КОНФЛИКТОВ В ОБЩЕСТВЕ // "Йош Тадкиочи" jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 29-33.
35. Мамаюсупова И. К. О ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ КРИТЕРИЯХ И ФАКТОРАХ ВОЗНИКНОВЕНИЯ КОНФЛИКТОВ, ВОЗНИКАЮЩИХ МЕЖДУ МОЛОДЫМИ ЛЮДЬМИ // Теоретическая и прикладная наука. – 2020. – №. 2. – С. 630-633.
36. Хамидовна М. И. (2021). Различные способы разрешения и управления конфликтами. *Среднеевропейский научный вестник*, 17, 204-207. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.17.797>
37. Хамидовна М. И. Организационно-социально-психологические механизмы принятия управленческих решений в конфликтных ситуациях между подростками. – 2021.

21	ЧОРВАЧИЛИКНИ ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	133
22	МУСТАҲҚАМ ОЗУҚА БАЗАСИНИ ЯРАТИШ – ЧОРВАЧИЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ГАРОВИДИР	137
23	РАННЯЯ СЛУЧКА И ПРОДУКТИВНОСТЬ МОЛОДЫХ САМОК	141
24	UMUMLASHGAN FRIDRIXS MODELI XOS QIYMATLARINING MAVJUDLIGI	149
25	SONLARNING 10 GA, 5 GA VA 2 GA BO'LINISH BELGILARI MAVZUSINI O'QITISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	164
26	МАКТАВ МАТЕМАТИКА KURSIDA O'RIN ALMASHTIRISH VA GURUHLASH QOIDALARINI O'QITISHNING O'ZIGA XOS METODLARI	177
27	ОБ ОДНОМ МЕРЕ, ПОРОЖДЕННОЙ ОДНИМ КЛАССОМ КВАДРАТИЧНЫХ ОПЕРАТОРОВ	189
28	СЮРЪЕКТИВНЫЕ КВАДРАТИЧНЫЕ ОПЕРАТОРЫ, ОПРЕДЕЛЕННЫЕ НА ДВУМЕРНОМ СИМПЛЕКСЕ	210
29	ПРИЛОЖЕНИЕ КВАДРАТИЧНЫХ ОПЕРАТОРОВ И ИХ КРАЙНИЕ ТОЧКИ НА СИМПЛЕКСЕ	225
30	ТАКРОРИЙ ЕКИЛГАН СОҲА- ИККИНЧИ ДАРОМАД	242
31	АҲОЛНИ ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДАГИ О'РНИ	246
32	АҲОЛ ЖАМИАТНИНГ КО'РКИ, ША'НИ ВА ЯРАТУВЧИСИДИР	253
33	FALSE DETECTION TECHNIQUES OF MILITARY SERVICES BY VERBAL AND NOVERBAL SIGNS	259
34	FAMILY STABILITY THE INFLUENCE OF PREMARITAL FACTORS	268
35	MUSTANKAM OILALARIMIZ MUSTANKAMLANISHIDA, JAMIYATIMIZ RIVOJLANISHIDA АҲОЛ VAZIFALARINING O'RNI VA АНАМИЯТИ	274
36	OILAVIY MUNOSABATLARDA FARZANDLAR VA ОТА-ОНАЛАР МУЛОҚОТИНИНГ О'ЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	281
37	ЎСПИРИНЛАР ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАРНИНГ ТИПЛАРИ ВА НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ БОШҚАРИШ	288
38	ЎСПИРИНЛАРДА ШАХС ВА ГУРУХЛАР ЎРТАСИДАГИ НИЗОЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	295
39	ЎСПИРИНЛАРДАГИ НИЗОЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕЗОНЛАРИ	304
40	INSONDA МЕНН-МУХАББАТ ТУЙГ'УСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИҶТИМОИЙ МУҲИТНИНГ О'РНИ	313



**JOURNAL OF
NEW CENTRY
INNOVATIONS**

IN ALL AREAS

